

ИШ ЮРИТИШ АТАМАЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТИЗИМДАГИ ЎРНИ

Ўлмас Саидов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторанти
saidov@75umail.uz

АННОТАЦИЯ

Фан-техника ва маданиятнинг беқиёс ривож топиши, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши ўзбек тили иш юритиш атамалари тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади, айти пайтда, бу соҳа терминларининг аҳамияти ва лисоний тизимдаги ўрнини аниқлаштириш масаласини яққол намоён этади. Терминологик тизимларда мавжуд бўлган ёки юзага келаётган атамлардан мосини танлаб олиш, термин сифатида тавсия этилаётган ёки мавжуд термин ўрнига алмаштирилаётган янги терминларни илмий асослаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўзбек тилида мукамал ҳужжатчиликни яратиш, унинг атамаларини чегаралаб олиш, атамаларнинг лисоний тизимдаги ўрни аниқлаш эҳтиёжи бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Калит сўзлар: термин, атама, иш юритиш, иш юритиш атамалари, терминосистема, лисоний тизим, ҳужжат, ҳужжатчилик, ҳужжатга хослик, интеграл сема, бирлаштириувчи сема.

КИРИШ

Атамашунослик соҳасида иш юритиш атамаларини ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Тилшуносликда иш юритиш атамалари тизимини яратиш, тартибга солиш, лингвистик ва лексикографик талқини масаласи азалдан соҳа мутахассислари диққат эътиборида бўлиб келган. Аммо бу соҳада ўз тадқиқини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ўзбек тилидаги иш юритиш атамалари истиқлолгача асосан русча ўзлашмалар бўлиб, уларнинг ўзбекчалаштирилишига эътибор қаратилмаган эди. Бу турдаги атамаларнинг ўзбек тили лексик тизимидаги ўрни мавҳум ва тилнинг объектив ривожланиши қонуниятларига мувофиқ эмас эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳужжатчилик, иш юритиш, ўқиш ва ўқитиш ишларини ўзбек тилида амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди. Жумладан, иш юритиш соҳасида қўлланилаётган аксарият атамаларнинг

русча эканлиги, мавжудларини асосан, калькалаш асосида ҳосил қилинганлиги, айрим ҳолларда ўзбек тилида мукамал ифода воситалари бўлишига қарамай, русча ёки бошқа тиллардан ўзлашган терминларнинг кўплаб қўлланаётганлиги айтиш ҳақиқатдир. Бу ҳолат соҳага доир терминологик луғатларнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳланади. Айтиш мумкинки, иш юритиш атамаларининг лексик тизимдаги ўрнини аниқлаш, семантик-структур тузилишини тадқиқ қилиш, атамалардаги вариантлик, маънодошлик, кўпмаънолик муносабатларига ойдинлик киритиш, лексикографик талқин қилиш каби қатор муаммолар ҳозирги тилшуносликнинг кун тартибидagi муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам иш юритиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканини кўрсатди. Давлат миқёсида қабул қилинган мазкур фармон ва қарорлар иш юритишга оид атамалар тизимини тартибга солиш, соҳа терминларини тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Дунё тилшунослигида терминология соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилган. Бу йўналишда, айниқса, Г.Н.Горностаев, Н.Н.Забинкова, Н.Н.Каден, Х. Фельбер, В.П.Даниленко, Э.Вюстер, А.С.Герд, Д.С. Лотте, О.П.Фролова, Е.Б.Алексеев, И.А.Губанов, В.П.Тихомиров, Ж.К.Сейжер, О.С.Ахманова, М.Э.Кирпичников, А.З.Цисык, Г.И.Шевченко, Р.Теммерменларнинг ишлари диққатга сазовор.

Ўзбек терминологиясида А.Ҳожиев, Ҳ. Жамолхонов, Р. Дониёров, О.Усмонов, М. Абдиев, И.Йўлдошев, З.Мираҳмедова, Ғ.Исмоиловлар томонидан амалга оширилган изланишлар эътиборга молик.

Мустақиллик йилларидан кейин ҳам давлат тилида иш юритиш соҳасига оид бир қанча адабиётлар ва қўлланмалар яратилди. Уларда иш юритиш ҳужжатлари турлари, шакллари ва мазмуни, иш юритиш терминологияси каби масалалар бирмунча кенг

ёритиб берилди. Жумладан, Х.С.Муҳиддинова, Н.А.Абдуллаева, Н.Садинова, М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг тадқиқотларини эътироф этиш жоиз.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тилнинг жамият ҳаёти билан бевосита алоқаси, аввало, унинг лексик тизимида ўз ифодасини топади. Жамиятда юз берган ҳар қандай илмий-техник тараққиёт мунтазам равишда тилнинг лексик тизими, хусусан, терминологиясида акс этиб боради.

Терминлар – илмий-техник жараён, турли фан соҳаларига доир билимларни акс эттирувчи ихтисослашган бирликлар. Фан-техника соҳасида илмий тушунчаларни номлаш ва баён этишда терминлар алоҳида ўрин тутаяди, ҳеч бир фан соҳасини терминларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир фан соҳаси ўз терминологик тизимига эга, улар билан иш кўради. Дунё тилшунослигида иш олиб бораётган терминология мактаблари, хусусан, Австриядаги “Вена терминология мактаби”, Россиядаги “Россия терминология мактаби”, Чехословакиянинг “Прага терминология мактаби” кабилар терминларнинг жамият ҳаётида, ҳар бир фан соҳасида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Тилшуносликда *термин* турлича талқин қилинади. Ш.Кўчимовнинг қайд этишича, “термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёхуд бирикмадир”.

Х.Нарходжаева терминга хос қуйидаги хусусиятларни санаб кўрсатган:

“1) *термин* – умумодабий тилнинг махсус вазифа бажарувчи бир тури бўлган ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний бирлик, сўз ёки бирикмадир;

2) *термин* – аниқ нарса-предмет, ашё, мавҳум тушунчаларнинг махсуслаштирилган номидир;

3) *термин* учун муайян таъриф (дефиниция) зарурки, унинг ёрдамида тегишли тушунча мазмунини аниқроқ ифодалаш, тушунчадан бирини иккинчисидан чегаралаб ажратиш имконини берувчи, айти маҳалда, маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга йўл қўювчи, фарқловчи белгиларини равшанроқ кўрсатиши мумкин”.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса термин тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

ТЕРМИН [лот. Terminus – чек, чегара] Фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама.

Шу ўринда айтиш лозимки, тилнинг терминологик тизими бирликлари қайд этилган умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, соҳавий хосланганлиги билан ҳам характерланади. Айниқса, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий, табиий, аниқ фанлар ва техник-технологик соҳаларда қўлланувчи кўплаб терминлар алоҳида белгилари билан ажралиб туради. Бу ҳолат иш юритиш соҳасида қўлланувчи терминлар тизимида ҳам кузатилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Иш юритиш атамлари тизими – расмийлик, холислик, аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқлик каби қатор белгилари билан ажралиб туради. Маълумки, расмий иш юритиш услуби қонунлар тили, дипломатик ҳужжатлар тили ва иш қоғозлари тили каби йўналишларга бўлинади ва бу учала йўналиш бир-биридан баъзи жиҳатлари билан фарқланади.

Иш юритиш атамаларининг барчаси учун “ҳужжатга хослик” интеграл семаси бирлаштирувчи унсур вазифасини ўтайди дейиш мумкин. Масалан:

Ариза – [а. عريضة – арзнома; илтимоснома] мансабдор шахс номига илтимос, таклиф, шикоят мазмунидаги, асосан, қўлда ёзиладиган расмий ҳужжат;

Асл нусха – ҳужжат, асарнинг асли, биринчи расмий нусхаси;

Амалдаги (жорий) қонун – давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан қабул қилинган, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик ҳужжат.

Аттестат/шаҳодатнома – [лот. attestari – тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ] 1 Ўрта мактабни тугатганлик тўғрисидаги ҳужжат. 2 Илмий ёки махсус унвон ҳужжати. 3 Ҳарбийларга бошқа хизматга ўтказилганда, узоқ муддатли хизмат сафарига юборилганда берилладиган ҳужжат. 4 Зобитнинг оила аъзосига унинг маошининг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

Гувоҳнома – [ф. گواهنامه – ёзма гувоҳлик; гувоҳнома] қайд этиш шарт бўлган юридик воқеа-ҳодисани тасдиқлайдиган, имзо қўйилган ва муҳр босилган расмий ҳужжат.

Юқорида келтирилган терминларнинг барчаси учун “ҳужжатга хослик” умумий бирлаштирувчи семаси бирдек тегишлидир.

Шуниси характерлики, иш юритиш атамалари бевосита иш юритиш тизимига хос бўлиши ҳам, бошқа тизимдан иш юритиш лексемалари тизимига ўзлашган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қуйидаги атамлар фақат иш юритиш тизимида ишлатилади: *ариза, баённома, баённомадан кўчирма, буйруқ, буйруқдан кўчирма, кўрсатма, фармойиш, шартнома, билдиришинома, васиятнома, далолатнома, тавсифнома, тавсиянома, таржимаи ҳол, эълон, ҳисобот, таклифнома, телеграмма, ахборот хат, даъво хати, илова хат, илтимос хат, кафолат хати, сўров хати, тасдиқ хат, фармойиш хат* ва бошқалар.

Иш юритиш терминосистемасида шундай атамлар борки, улар бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланади, лекин иш юритиш соҳасида “ҳужжатга хослик” умумий бирлаштирувчи семаси билан ажралиб туради. Бундай терминлар сирасига бухгалтерия, ҳисоб-китоб, дипломатия, иқтисодиёт, молия, сиёсатшунослик, тижорат ва ҳуқуққа оид терминларни ҳам киритиш мумкин: *аккредитлаш (ҳуқ.), баланс; мувозанат (бухг.), банкомат (бухг.), бошқариш усуллари (иқт.), вето (ҳуқ.), исбот; далил (мнт. мат.), йўлланма (махс.), лизинг (мл.), лизинг шартномаси (мл.), маркетинг (иқт.), меморандум; баёнот (ҳуқ.), муомала қайдномаси (бухг.), назорат белгиси (ҳуқ.), ордер; рухсатнома (бухг.), пул ислоҳоти (сиёс.), сайлов тизими (сиёс.), сотиш; реализация қилиш (иқт.), талабнома (ҳуқ.)* кабилар.

Иш юритиш соҳасида қўлланадиган терминларни кўп ҳолларда бошқа соҳавий лексика, шунингдек, умумистеъмол бирликлардан қатъий чегаралаш қийин. Бу ҳолат мазкур тизимда қўлланадиган умумистеъмол ва бошқа соҳавий терминларни иш юритиш терминлари сифатида талқин қилиш ва лексикографик тавсифини беришда чуқур лингвистик билим билан бир қаторда, соҳа мутахассиси ҳам бўлиши лозимлигини тақозо қилади.

Маълумки, ўтган аср охири ва янги аср ибтидосида ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг “Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари” асари ва у асосда яратилган қатор тадқиқотлар алоҳида эътиборга молик. Бажарилган тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) тил лексик тизимини лексемаларнинг тизимий уюшмалари сифатида талқин қилиш;

2) тил лексик тизимини идеографик система сифатида талқин қилиш.

Ҳар икки ҳолатда ҳам тил лексик тизими иерархик қурилишли яхлит система сифатида идрок қилинади. Биринчи ҳолатда улар маъновий умумийликлар ва хусусийликлар диалектикаси асосида “маънодан шаклга” тамойили бўйича, иккинчи ҳолатда оламнинг лисоний тасвири тушунчасига таянилган ҳолда “тушунчадан тил бирликларига” тамойили асосида тавсифланади ва турларга ажратилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам тилнинг системавийлиги методологияси таянч омил вазифасини ўтайди.

Иш юритиш атамаларининг ўзбек тили лексик тизимида тутган ўрни ҳақида сўз юритилар экан, *лексема – термин* муносабати масаласига ойдинлик киритиш лозим бўлади.

Терминларнинг идеографик луғати масалалари бўйича илмий тадқиқот олиб борган олима Ё.Ҳамраеванинг тадқиқотида келтирилишича идеографик луғатчилик асосчиси М.Роже оламнинг идеографик манзарасини қуйидагича тасаввур қилган:

I макромайдон: Мавҳум муносабатлар.

1. Турмуш.
2. Муносабат.
3. Микдор.
4. Ҳаракат.
5. Сөн.
6. Вақт.
7. Ўзгариш.
8. Сабаб.

II макромайдон: Борлиқ.

1. Умумий борлиқ.
2. Ўлчам.
3. Шакл.
4. Ҳаракат.

III макромайдон: Материя.

1. Умуман материя.
2. Ноорганик материя.
3. Органик материя.

IV макромайдон: Идрок (ғоя).

1. Идрокнинг шаклланиши.
2. Ғоялар муносабати.

V макромайдон: Эрк.

1. Хусусий эрк.
2. Ижтимоий эрк.

VI макромайдон: Ҳис-туйғулар.

- 1 Умуман ҳис-туйғулар.
2. Шахсий ҳис-туйғулар.
3. Эмоционал муносабатлар.
4. Ахлоқ.
5. Дин.

Бизнингча, юқоридаги каби туркумлашда *иш юритиш* тушунчаси *хужжатга хослик* тушунчаси асосида “1.Турмуш. 2. Муносабат. 3. Миқдор. 4. Ҳаракат. 5. Сон. 6. Вақт. 7. Ўзгариш. 8. Сабаб.” узлари орқали “Мавҳум муносабатлар” макромайдонига бирлашади дейиш ўринлидир.

Олима Ё.Ҳамраеванинг таъкидлашича, Ф.Дорнзайф томонидан 1939 йилда тузилган идеографик луғатнинг анча ишлов берилган ва тўлдирилган кейинги нашрларида олам йигирмата макромайдонга ажратилган:

- I. Жонсиз табиат. Нарсалар.
- II. Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси. Инсон (тирик организм сифатида).
- III. Фазо. Фазовий ҳолат. Шакл.
- IV. Ўлчам. Муносабатлар. Сабабият.
- V. Вақт.
- VI. Дунё. Ранг. Товуш. Ҳарорат. Вазн.
- VII. Ҳолат. Ҳид билиш. Маза-таъм (ички ва ташқи).
- VIII. Ҳаракат.
- IX. Истак ва хоҳиш.
- X. Сезгилар.
- XI. Туйғу. Ҳис-ҳаяжон. Характер қирралари.
- XII. Тафаккур.
- XIII. Белги. Ахборот. Тил.
- XIV. Ёзув. Билим. Илм-фан.
- XV. Санъат.
- XVI. Жамият ва ижтимоий муносабатлар.
- XVII. Асбоб-ускуналар. Техника.
- XVIII. Қишлоқ хўжалиги.
- XIX. Ҳуқуқ. Этика.
- XX . Дин. Илоҳий мўъжизалар”.

Масалага бу нуқтаи назардан ёндашсак, иш юритиш соҳаси атамаларининг “**XVI. Жамият ва ижтимоий муносабатлар**” бандига алоқадор бўлиши аён бўлади. Назаримизда, иш юритиш атамаларини ушбу тасниф асосида ўрганиш унинг идеографик схемасини яратишда қулайдир. Демак, “Иш юритиш атамалари” “Ҳужжатчилик” тизими орқали ушбу тизимга алоқадорлик касб этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбек тилининг иш юритиш терминологияси алоҳида микротизим сифатида тил системасида ўз ўрнига эга. Ундаги барча терминлар (атамалар) бевосита ёки билвосита “ҳужжатга хос” бирлаштирувчи семаси асосида бирлашади. Бу сема муайян термин семантик структурасида етакчи бўлиши ҳам, иккинчи даражали бўлиши ҳам мумкин.

Фан-техника, маданият ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши асосида тараққий этаётган ҳар бир соҳадаги янгиликлар унинг терминосистемасида ҳам улкан ўзгаришлар юз бериши учун асос бўлади. Бу ҳолат соҳа терминологик тизимига мансуб терминларни такомиллаштириш заруратини кун тартибига чиқаради. Хусусан, иш юритиш соҳасида ҳам атамаларини янада такомиллаштириш, тартибга солиш, лисоний тизимдаги ўрнини аниқлаш муҳим аҳамият касб этаверади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
4. Аминов А, Мадвалиев А, Маҳкамов Н, Маҳмудов Н, Одилов Ё. Давлат тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. “Ўзбекистон нашриёти”, Тошкент-2020.
4. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили муаммолари. - Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 262 б.

5. Алексеев Е.Б., Губанов И.А., Тихомиров В.И. Ботаническая номенклатура. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – 166 с.
6. Герд А.С. Формирование терминологической структуры русского биологического текста. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1981. – 112 с.
7. Горностаев Г.Н., Забинкова Н.Н., Каден Н.Н. Латинские названия животных и растений. – М.: Изд-во МГУ, 1974. – 146 с.
8. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 159 б.
9. Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – 76 б.
10. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2010. – 128 б.
11. Маҳмудов Н. Фан тили ва тил фани. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент. Mumtoz so'z, 2017. –Б.129.
12. Нарходжаева Х. Жараён англлатувчи терминларнинг ўзбек тилида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2013.
13. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
14. Муҳиддинова Х.С., Абдуллаева Н.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази, 1997.
15. Садинова Н. Иш юритиш терминларинг қисқача изоҳли луғати.–Тошкент: INNOVATION RIVOJLANISH NASHRIYOT-MATBAА UYI, 2019.-160 б.
16. Усмонов О. Ўзбек тили терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986;
17. Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: Фан, 1996. – 46 б;
18. Ҳамраева Ё. Феъллар мисолида идеографик луғат тузиш. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти. 2014. – Б. 29.